

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ.

*Давлаев Ғолиб Ашурович,
Тошкент давлат Иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси,*

***Аннотация:** Мазкур мақолада Махсус иқтисодий зоналар тушунчаси ва уларнинг турлари, корхонларга берилётган солиқ имтиёзлари ва Махсус иқтисодий зоналарда яратилган шарт-шароитлар асосий ўринни эгаллайди.*

***Калит сўзлар:** Махсус иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зона, солиқ, инвестиция, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурслари, божхона, технологик ускуналар, электр энергия, газ, йўл.*

***Аннотация:** В данной статье основное место занимают понятие специальных экономических зон и их виды, налоговые льготы, предоставляемые предприятиям, и условия, создаваемые в специальных экономических зонах.*

***Ключевые слова:** Особые экономические зоны, свободная экономическая зона, налог, инвестиции, налог на имущество, земельный налог, водные ресурсы, таможня, технологическое оборудование, электроэнергия, газ, дорога.*

***Abstract:** In this article, the concept of Special Economic Zones and their types, tax incentives given to enterprises and the conditions created in Special Economic Zones occupy the main place.*

***Key words:** Special economic zones, free economic zone, tax, investment, property tax, land tax, water resources, customs, technological equipment, electricity, gas, road.*

Махсус иқтисодий зоналар фаолият самарадорлигини ошириш, уларнинг юксалиши ва тараққий этиши ҳамда махсус иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритиш истаги ва ташаббуси билан чиққан инвесторларга қулайликлар яратиш, уларнинг махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштирилган ва ахборотлаштирилган тизимга ўтказилган.

Бугунги кунда, Махсус иқтисодий зоналардаги корхоналарга катта эътибор берилиб бир қанча солиқ ва мажбуриятлардан имтиёзлар ҳам берилган. Тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни чалиб этиш орқали юқори сифат самарадорликка эришиш, бу ҳудудларда юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини қўллаш, инновацион технологияларни жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудудга айланттирилган. Шу мақсадларни амалга ошириш учун мўлжалланган алоҳида олинган жойларни махсус иқтисодий зона дейилади. Ҳозирги кунда мамалакатимиздаги 21 та махсус иқтисодий зоналарда 715 тадан ортиқ корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

2023 йил 1 июл ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида Махсус иқтисодий зоналар ¹.

№	Виолятлар номи	Сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2
2	Андижон вилояти	1
3	Бухоро вилояти	2
4	Жиззах вилояти	2
5	Қашқадарё вилояти	-
6	Навоий вилояти	1
7	Наманган вилояти	2

¹. Махсус иқтисодий зоналар сони уларнинг иштирокчилари бўлган корхоналар бўйича шакллантирилган.

8	Самарқанд вилояти	1
9	Сурхондарё вилояти	2
10	Сирдарё вилояти	2
11	Тошкент вилояти	4
12	Фарғона вилояти	1
13	Хоразм вилояти	1
14	Тошкент шаҳри	-
Жами:		21

Махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин²:

- эркин иқтисодий зоналар;
- махсус илмий-технологик зоналар;
- туристик-рекреацион зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- махсус саноат зоналари.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарор ва фармонлари билан маълум муддатга озод қилиш тартиби жорий этилган.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарор ва фармонлари билан белгилаб берилган.

Кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача³, жумладан:

². Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сонли Қонуни 9-модда.

³. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг (30.12.2019 йилдаги) 68-боб, 473-474 моддаларида.

300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — (мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзлари) **3 йил муддатга;**

3 млн. АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — (мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзлари) **5 йил муддатга;**

5 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — (мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзлари) **7 йил муддатга;**

10 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори — (мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзлари) **10 йил муддатга берилади.**

Бундан ташқари, Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари **фойда солиғини**⁴ тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб ҳам маълум муддатларга озод этилади ва кўплаб имтиёзлар берилади. Улар:

3 млн. АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун — **3 йил муддатга;**

5 млн. АҚШ долларидан 15 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун — **5 йил муддатга;**

15 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори миқдордаги инвестициялар учун — **10 йил муддатга озод этилади.**

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига ортиқча қўшилган қиймат солиғи суммасини етти кун ичида қоплаб бериш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади.

Республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимида мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида

⁴. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 июлдаги ЎРҚ-783-сонли Қонуни ҳамда янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг 473-моддаси, 2-қисмига мувофиқ.

белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўлашда ҳам жуда катта имтиёзлар белгиланган.

Тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) амлга оширадилар.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда божхона тўловлари (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўланмайди.

Шу билан бир қаторда, Эркин иқтисодий зоналар ҳудудига қадар етарли қувватдаги коммуникация ва инфратузилма шарт-шароитлари (электр энергия, газ, йўл, оқава сув, канализация) билан таъминланади.

Махсус иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини равнақи ва иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз мавқиега эга бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 июлдаги ЎРҚ-783-сонли Қонуни ҳамда янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг (30.12.2019 йилдаги).
3. Ўзбекистон Республикасининг 26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5243 сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сонли Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 13 июндаги ПФ-153-сон [Фармони](#).
7. The challenge of Free Economic Zones in Central and Eastern Europe.P
8. Друзик С.Я. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства: учебетлар. Пособие. Мн.: «ФУА.информ», 2000.